
СУДЛАР ИШТИРОКИДАГИ САЙЁР ҚАБУЛ

Бағдод туман Муқумий МФЙ ҳудудида фуқароларга сайёр қабул ўтказилиб, жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар, фуқаролик ишлари бўйича ва иқтисодий ишлар бўйича фуқароларнинг муурожаатлари сони ошган маҳаллаларда профилактика ишларини жонлантиришга қаратилди. 2021 йил 2-ярми учун тузилган сайёр қабуллар режасига асосан ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларга ҳуқуқий маслаҳатлар бериш мақсадида Фарғона вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судьяси Б. Ҳайдаров, Марғилон туманлараро иқтисодий суди раиси А. Акбаров, Фуқаролик ишлари бўйича Риштон туманлараро суди судьяси О. Жиянов, Риштон туманлараро иқтисодий суди судьяси М. Умматова ва жиноят ишлари бўйича Бағдод туман суди раиси О. Мирсадиковлар иштирокида фуқаролар учун сайёр қабул бўлиб ўтди. Сайёр қабулга келган фуқароларга ўзлари қизиқтирган суд-ҳуқуқ масалаларидаги саволлар, шунингдек бошқа ҳуқуқий масалалар юзасидан тушунтиришлар берилди. Шундан сўнг Бағдод туман ХТБ биносида жиноят ишлари бўйича Бағдод туман суди томонидан сайёр суд мажлислари ўтказилиб, унда 22 нафар жазога тортилган шахсларга жазодан муддатидан аввал озод этилди. Ўзбекистон Республикаси 719-сонли ва 720-сонли ЎРҚ бўйича ҳамда сайлов қонунчилиги бўйича тушунтириш ишлари амалга оширилди.

2021-10-17 08:46:52